

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАБЕКОВА ҲАБИБА МАДАМИНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ
НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ
(ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАЛАР ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ)**

Ихтисослик: 23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on political sciences**

Жўрабекова Ҳабиба Мадаминовна

Ўзбекистонда давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёни (хорижий ва
миллий тажрибалар қиёсий таҳлили)3

Журабекова Хабиба Мадаминовна

Процесс децентрализации государственного управления в Узбекистане
(сравнительный анализ иностранной и национальной практики).....21

Jurabekova Khabiba Madaminovna

The process of decentralization of public administration in Uzbekistan
(comparative analysis of foreign and national practices).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАБЕКОВА ҲАБИБА МАДАМИНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ
НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ
(ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБАЛАР ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ)**

Ихтисослик: 23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2PhD/Siyos24 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қирғизбоев Муқимжон
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Ахмедов Хусниддин Алиқулович
сиёсий фанлар доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-53-21, (71) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 1-қават, 4-хона. Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Пахрутдинов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

О.Мусаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д. (DSc)

Б.Тўйчиев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб жаҳоннинг тараққий этаётган давлатларида давлат бошқаруви тизимида самарали маъмурий механизмларни қўллаш амалиётига талаб ортиб бормоқда. Шу боис эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мамлакатларда ислохотларнинг асосий эътибори давлат бошқаруви тизимининг номарказлаштириш жараёнларига сиёсий технологияларни қўллаш амалиётига қаратилмоқда. Бугунги кунда давлат бошқарув ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисмини демократик жамиятнинг ажралмас атрибути ҳисобланган фуқаролик жамияти институтларига, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ўтказиш, унинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш ва ваколатларини янада кенгайтириш масалалари долзарблашиб бормоқда.

Дунёнинг тараққиёт йўлига кирган аксарият демократик мамлакатлари давлат бошқаруви тизимини номарказлаштиришда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, краудсорсинг ва аутсорсинг технологияларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш билан боғлиқ назария ва амалиётга алоҳида эҳтиёж сезмоқда. Шу билан бирга, марказий давлат ҳокимияти ваколатларини қуйи органларга узатишда маҳаллий ҳокимиятнинг сиёсий, маъмурий ва молиявий ваколатларини кўпайтириш билан боғлиқ назарий ва ҳуқуқий муаммолар ҳам мавжуд. Шунинг учун бугунги кунда дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказлари изланувчилари давлат бошқаруви тизимида кирувчи ҳокимият органлари ўртасидаги вазифа, функция ва ваколатлар такрорланишининг олдини олиш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқаруви тизимида етарлича иштироки таъминланмаганлиги каби муаммоларга эътибор қаратмоқда.

Мамлакатда давлат бошқарув органлари ваколатларининг муайян қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш масаласи маҳаллий ҳокимиятнинг номарказлаштириш жараёни бошқичларининг асосий қисми бўлиб, бу вазифаларни амалга оширишда халқаро тажрибани ўрганиш, бу соҳадаги жаҳон тажрибасини амалиётга кенг татбиқ этиш масалалари энг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси»да белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича олдимизда турган муҳим вазифалардан бири давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, давлат бошқаруви жараёнларини демократлаштиришда ҳар бир бошқарувчи бўғин вазифаси, ваколатлари ва масъулиятини аниқ белгилашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш ушбу масаланинг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига),

2014 йил 5 майдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» ги, 2016 йил 11 апрелдаги «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар тўғрисидаги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда давлат ижроия ҳокимияти бошқарув тизимини номарказлаштиришга доир дастлабки ғоялар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов асарларида ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» ғоя асосида 2016-2017 йилларда мамлакатда давлат ҳокимияти органларини модернизациялаш ва номарказлаштириш мақсадида 2017 йил 8 сентябрда «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси» ишлаб чиқилди ва унинг концептуал вазифалари амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур концепция ўзида давлат бошқарувининг концептуал янги миллий моделини намоён қилиб, илмий ишимизнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилган.

Давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш асосида давлат ва маҳаллий ҳокимият органларини номарказлаштириш асосида модернизациялашнинг назарий жиҳатлари дастлаб В. Рональд, С.Паул, Жон Стюарт Милль, Т.Парсонс, Р.Арон, Фридрих фон Хайек, Вильгельм фон Гумбольдт, Алексис де Токвиль, Бенжамен Констан, Д.Истон, Г.Алмонд, Р.Даль, К. Дойч, С.Хантингтон, Г.Лассуэл, Э.Дюркгейм, В.И.Васильев, В.Романюк, Т.Фаллети, М.Мурамаатсу, В.Китамура, Л.Арендт, Р. Аквуа, Г.Холлис, К.Плоккер Ф.Бейлей, Р.А.Чапман ва М.Шихан, Н.Мэннинг, Н.Парисон, Ж.Б.Альбертини, Ж.М.Кохен, С.Б.Петерсон, Е.Фостер, Л.В.Кариньо¹ каби хорижий олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

Чет эл олимлари томонидан бу соҳада илгари сурилган назария ва ғояларда давлат марказий ва маҳаллий ҳокимияти органларини номарказлаштириш жараёни турли миллий ва маъмурий хусусиятлар асосида кечиши таҳлил этилган. Айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларига

¹Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

ўтаётган давлатларда муайян муддат ичида номарказлаштириш ислохотларини амалга оширишга тайёргарлик кўриш, хориж тажрибасини кўр-кўрона «кўчириб» олиб бўлмаслиги каби фикрлар билдирилган. Шу билан бирга, улар номарказлаштириш ислохотларини ҳар қандай мамлакат учун бир хилда аҳамият касб этадиган хусусиятларини кўрсатиб беришган. Хорижий олимлар номарказлаштириш жараёнининг шаклланишидаги асосий мақсад ва вазифалар, услуб ва тажрибалар, ҳар бир ҳудуднинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаларига муҳим эътибор қаратиш бу соҳадаги ислохотлар тақдирини ҳал этишига асосий урғу бердилар.

Давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш масалалари жаҳондаги йирик институтлар World Bank, ADB, Tacis ва бошқалар томонидан ҳам тадқиқ этилди. Умуман, жаҳон тажрибаси умумлаштирилганда, номарказлаштириш жараёни турли шакллардан иборат эканлигига эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари бошқарувини демократлаштириш ёки номарказлаштиришга доир назарий жиҳатлар сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар А.Орипов, Б.Жўраев, А.Бегматов, С.Долиев, Р.Мадиримов, О.Т.Хусанов, М.Қирғизбоев, Р.З.Жумаев, Ш.Жалилов, Ф.Мусаев, М.Қориева, Ф.Жўрақулов² каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Мазкур олимлар давлат марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар бошқарув тизимининг ҳуқуқий, сиёсий, ташкилий масалаларига, бу соҳада Ўзбекистонда тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар жараёнларида жойлардаги давлат маҳаллий ҳокимият органларининг иштироки, улар фаолиятларини такомиллашиб бориши, бошқарув жараёнида янгича ёндашувлар шаклланиши каби йўналишлар бўйича тадқиқот олиб боришди. Шунингдек, улар томонидан номарказлаштириш ислохотларида маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро бошқарув ваколатларининг тақсимланиши, давлат бошқаруви органларининг ўзини ўзи бошқариш органлари олдидаги масъулиятларини ошириш каби жиҳатлар ҳам таҳлил этилган.

Лекин юқорида номлари зикр этилган олимлар томонидан номарказлаштиришнинг алоҳида унсурларига эътибор қаратилган бўлса-да, давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёнига комплекс тарзда ёндашилмаган бўлиб, кўп муҳим масалалар кўриб чиқилмасдан қолган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

² Орипов А. Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005.; Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият.-Тошкент:Шарқ,1996.; Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие.-Ташкент: Фан,1996.; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти:сиёсий партиялар, сиёсий мафқуралар,сиёсий маданиятлар.-Тошкент:Шарқ,1998.; Партология.- Тошкент: Академия, 2007.; Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.- Тошкент: Ўзбекистон, 2007.; Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислохоти: тажриба ва муаммолар.- Тошкент: «Ўзбекистон», 1994.; Жўраев Б. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш. – Тошкент: «Академия», 2007.; А. Бегматов, С. Долиев, Р. Мадиримов. Эркинлаштириш – жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004.; Қориева М. Мустақиллик –эркин ва фаровон ҳаёт. Тошкент:»Шарқ”, 2009.

Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини демократлаштириш муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади давлат ижроия ҳокимияти органлари тизимини номарказлаштиришнинг хорижий тажрибалари асосида Ўзбекистонда маъмурий ислохотлар концепциясини амалиётга жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«давлат ижроия ҳокимияти органларини номарказлаштириш» тушунчаси ва унга доир категориялар тавсифи;

давлат ижроия ҳокимияти органларини номарказлаштириш назарияси, унинг ривожланиши ва турли талқинларини таҳлил этиш;

ривожланган давлатлар ижроия ҳокимияти органларининг номарказлаштириш тажрибаларини ўрганиш, уларни бир тизимга келтириш;

Ўзбекистон марказий ва маҳаллий ижроия органларининг ўзаро муносабатлари ва ваколатлари ривожланишини таҳлил этиш;

Ўзбекистонда ижроия ҳокимияти ва фуқаролик жамиятининг ўзаро муносабатлари ривожланишининг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган номарказлаштириш ғояси ва принципларини таҳлил этиш;

«Маъмурий ислохотлар концепцияси»ни ижроия ҳокимияти тизимини номарказлаштиришнинг янги миллий модели сифатида таҳлил этиш;

Ўзбекистонда ижроия ҳокимияти тизимини номарказлаштиришда туб бурилиш – кейинги икки йиллик натижа ва истиқболларни таҳлил этиш.

Тадқиқот объектини «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси» асосида ижроия ҳокимияти, маҳаллий давлат бошқаруви тизимини номарказлаштириш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида ижроия бошқарув органлари тизимининг барча даражаларини мутаносиблаштириш ва номарказлаштириш босқичларидан иборат.

Тадқиқотнинг услублари. Диссертацияда тарихийлик, мантикийлик, тизимлилик, мақсадли-тизимлилик, функционал-тизимлилик, контент анализ, ўзаро алоқадорлик каби услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда амалга оширилаётган номарказлаштириш жараёнларида маҳаллий бошқарув ва вакиллик органлари ваколатларини аниқлаштириш, кенгайтириш лозимлиги ҳамда давлат хизмати кўрсатишда «давлат+хусусий сектор шерикчилиги» тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

демократик бошқарув принципларидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимиятлар ўз фаолият самарадорлигини ошириш, шаффофлигини таъминлаш, халқчиллигини намоён қилишлари учун, энг аввало, ўзини ўзи

бошқариш органлари ҳамда ННТлар (жамоатчилик назорати субъектлари) билан ижтимоий ҳамкорлик қилиши муҳим омил эканлиги асосланган;

давлат ижроия органлари фаолиятида краудсорсинг (ташқи ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш), аустсорсинг (ташқи ресурслар - хусусий ва нодавлат хизмат кўрсатиш шакллари) асосида маҳаллий давлат бошқаруви тизимига ижтимоий менежментни қўллаш механизмлари очиб берилган;

маҳаллий бошқарув тизимини тузилмавий-функционал жиҳатдан номарказлаштириш ва модернизациялашда ривожланган давлатларнинг муниципал бошқарув тизими тажрибалари асосида (ваколатларни узатиш, ҳудудга тегишли қарорлар қабул қилишда мустақиллик, раҳбар масъулиятини ошириш, «Муниципал тизимни ривожлантириш концепцияси»ни қабул қилиш каби) таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотдан олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини янада демократлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва улар амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шаклларини жорий этишнинг чоратadbирлари дастури сифатида хизмат қилади;

тадқиқотдан олинган илмий натижалар сифатида шакллантирилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар давлат бошқарувини босқичма-босқич, давлат хизматлари кўрсатиш тартибларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш тамойиллари диссертация ишининг амалий аҳамиятини ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда фойдаланилган манбалар, уларни илмий муомалага олиб кириш, бу жараёнларда қўлланилган ёндашув ва усуллар расмий ҳужжатлардан, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, шунингдек, улар ҳақидаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишнинг илмий аҳамияти Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими самарадорлигини оширишга қаратилган амалий кўрсаткич ва илмий-назарий хулосалар билан изоҳланади.

Тадқиқотдаги таҳлиллар, умумлашмалар, хорижий тажрибаларга оид материаллар, Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви жараёнларини демократлаштириш ва модернизациялашга доир ислохотларнинг сиёсий жараён сифатида тадқиқ этилиши, мамлакатда амалга оширилган маъмурий ислохотларнинг умумдемократик ва миллий жиҳатларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ишлаб чиқилган хулосалар бу соҳага қизиққан барча илмий жамоатчилик вакиллари - олимлар, зиёлилар ва олий ўқув юртлари талабалари учун илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалар ва унда шакллантирилган таҳлил ва таклифлардан давлат ҳамда жамият сиёсий тизимининг барқарор муҳитини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти органлари, ижтимоий-сиёсий институтлар масъулиятини ошириш, бу борада давлат ва жамият миқёсида кенг қамровли ислоҳотларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёни (хорижий ва миллий тажрибалар қиёсий таҳлили) бўйича ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

Ўзбекистонда амалга оширилаётган номарказлаштириш жараёнларида маҳаллий бошқарув ва вакиллик органлари ваколатларини аниқлаштириш, кенгайтириш лозимлиги ҳамда давлат хизмати кўрсатишда «давлат+хусусий сектор шерикчилиги» тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқлиги бўйича берилган таклиф ва давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштиришни таъминлайдиган инновацион усулларни жорий этиш ҳамда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш борасидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда ва Андижон вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим фаолиятларини ташкил этишда ҳамда «давлат+хусусий сектор шерикчилиги» тамойилига амал қилиш бўйича «Йўл харита»ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 5 январдаги 02–01/07-сонли далолатномаси, Андижон вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 3 октябрдаги 06/22-304-сонли далолатномаси). Мазкур таклифлар давлат бошқаруви тизимини номарказлаштиришга қаратилган бошқарувнинг инновацион усуллари, шакллари ҳамда бошқарув кадрларини тайёрлаш, давлат хизматига жалб этишнинг шериклик тизимини йўлга қўйишга катта хисса қўшган;

демократик бошқарув принципларидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимиятлар ўз фаолият самарадорлигини ошириш, шаффофлигини таъминлаш, халқчиллигини намоён қилишлари учун, энг аввало, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ННТлар (жамоатчилик назорати субъектлари) билан ижтимоий ҳамкорлик қилиши муҳим омил эканлиги каби таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида белгиланган чора-тадбирлар дастури ҳамда кенгашининг 2019 йилда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган «Йўл харита»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 5 январдаги 02–01/07-сонли

далолатномаси). Мазкур таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида маҳалла тизимида фаолият олиб бораётган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари фаолиятида илгари ҳокимликлар ваколатлари доирасида бўлган маълум вазифаларни бажаришларида, жойлардаги муаммолар ҳал этилишига янада жиддий ёндашиб, ўзини ўзи бошқариш институтининг фуқаролик жамияти куриш жараёнидаги нуфузи амалда янада кучайтирилишига эришилган;

давлат ижроия органлари фаолиятида краудсорсинг (ташқи ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш), аутсорсинг (ташқи ресурслар - хусусий ва нодавлат хизмат кўрсатиш шакллари) асосида маҳаллий давлат бошқаруви тизимига ижтимоий менежментни қўллаш механизмлари бўйича берилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг иш фаолияти самарадорлигини оширишдаги «Йўл харита»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 05/423-19-сонли далолатномаси). Мазкур тавсия, таклиф ва хулосалар асосида тайёрланган ҳужжатларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида қўмита қошидаги жамоатчилик уюшмалари фаолияти такомиллаштирилган, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлиги оширилган, уларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланган;

маҳаллий бошқарув тизимини тузилмавий-функционал жиҳатдан номарказлаштириш ва модернизациялашда ривожланган давлатларнинг муниципал бошқарув тизими тажрибалари асосидаги (ваколатларни узатиш, ҳудудга тегишли қарорлар қабул қилишда мустақиллик, раҳбар масъулиятини ошириш, «Муниципал тизимни ривожлантириш концепцияси»ни қабул қилиш каби) таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги замонавий кадрларни тайёрлаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқишда ҳамда КА-1-004 сонли «Модернизация жараёнида ёшларда инновацион онг шаклланишини илмий-амалий тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 январдаги 89-03-506-сонли маълумотномаси). Ушбу хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги ўқув дастурларини замон талаблари асосида ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 3 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш: 1 та қўлланма, 24 та илмий мақолалар (8 таси хорижий журналларда) эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола (улардан 11 таси республика, 5 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Маҳаллий ижроия ҳокимият органларини номарказлаштириш назарияси ва халқаро тажриба»** деб номланиб, у учта параграфдан иборат. Ушбу бобда Европадаги ривожланган мамлакатларда ижроия ҳокимиятини номарказлаштиришга доир назариялар ва амалий фаолиятни ўрганиш асносида мазкур соҳага доир категориялар аниқланиб таҳлил этилган.

Жаҳон банки ва Жаҳон шаҳарлар ҳамда маҳаллий ҳукуматлар иттифоқи маърузаларида асосий эътибор бежиз номарказлаштириш ва локал демократия муаммолари ечимига қаратилмаган³. АҚШ, Канада, Япония ва Европа давлатлари сиёсатшунос олимлари 1982-2000 йилларда ривожланган мамлакатларда амалга оширилган давлат ижроия ҳокимиятини ислоҳ этиш жараёнини уч хил атама билан талқин этишади: «маъмурий ислоҳотлар», «модернизациялаш», «номарказлаштириш».

«Маъмурий ислоҳотлар» деганда ижроия ҳокимиятига доир ислоҳотлар англанади. Умуман олганда, «маъмурий ислоҳотлар», «модернизациялаш», «номарказлаштириш» тушунчалари барча ривожланган мамлакатларда ижроия ҳокимиятини ислоҳ этишни англатади.

Диссертацияда номарказлаштириш жараёни ва шаклларида турлича талқинлари таҳлил этилиб, унинг асосий тавсифлари очиб берилган. “Номарказлаштириш” тушунчасига маъмурий ёндашув “Сиёсий фан элементлари” китоби муаллифлари – Ф.Бейлей, Р.А.Чапман ва М.Шиханлар талқинларида ҳам учрайди. Уларнинг фикрича, “...номарказлаштириш унитар ва федератив давлатларда қўлланиладиган – ваколатларни қуйига узатиш маъмурий техника сифатида кўринадиган – бир сиёсий тизим ичида қарорлар қабул қилиш ваколатини олий ва юқори органлардан қуйи ва маҳаллий органларга узатишдир”⁴. Лекин кўпгина тадқиқотчилар номарказлаштиришнинг барча турларини эътироф этиб, уларнинг бир-бирига ўзаро алоқадорлиги, бир-бирини тўлдиришини, умумий тамойилларни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади. Шунингдек,

³Decentralization and local democracy in the world: first global report by United Cities and Local Governments, 2008. Barcelona: United Cities and Local Governments, 2009.

⁴ Bealey F, Chapman R.A., Sheehan M. Elements in political science. Edinburgh: Edinburgh University Press, 1999.-P.265

самарали номарказлаштиришни ҳокимият қўйи органларининг бирмунча мустақиллигисиз ва демократия принципларига таянмай туриб амалга ошириб бўлмаслиги хорижий тажрибаларда ўз исботини топди.

Маъмурий ислохотларнинг миқёси давлат ижроия ҳокимияти барча соҳаларини ислох этишни ўзига қамраб олган бўлса, номарказлаштириш унинг асосий демократик принципини ташкил этади. Номарказлаштириш юқори бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини қўйи ва маҳаллий органларга бериш, шу асосда қўйи бошқарув органлари мустақиллигини таъминлашдан иборат. Номарказлаштириш натижаси ўларок, қўйи бошқарув органлари фаолиятини самарали тарзда амалга ошириш, бошқарув жараёнини аҳолининг ўсиб бораётган манфаатларига қаратиш имкониятини беради, фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-шароитлар яратади.

Баъзи олимлар ижроия ҳокимияти органларини номарказлаштиришни учта – сиёсий, маъмурий ва фискал турлари, баъзи олимлар тўртта – деволуция, ваколатларни узатиш, деконцентрация ва дивестиция каби турларини тавсифлайди.

Диссертацияда давлат ижроия ҳокимияти органларини номарказлаштиришга доир амалий ва ривожланган давлатларга хос назарий қарашлар 2016 йилнинг сўнгги чорагидан бошланганлиги таъкидланиб, Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси ва ғоялари асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси» мамлакатда Шимолий Америка ва Европадаги ривожланган мамлакатларга хос бўлган номарказлаштириш ислохотларини бошланишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қила бошлагани ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли фармони мамлакатда давлат ҳокимияти органларини модернизациялаш соҳасидаги туб бурилишлардан биридир. Фармонда Ҳаракатлар стратегияси давлат бошқарувининг бутунлай янги, самарали ва сифатли бўлишини таъминлайдиган, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғунликдаги фаолиятини ташкил этиш мақсадини қўйган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси» тасдиқланди.

Концепциянинг ҳаётга жорий этилиши натижасида мамлакатимизда халқ манфаатларига хизмат қилувчи самарали ва профессионал бошқарув кадрлари тайёрланиши ва давлат интерактив хизматлари юқори даражага кўтарилиши кутилмоқда.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Ўзбекистонда ижроия ҳокимияти тизимининг шаклланиши ва ривожланиши» деб номланиб, мазкур бобда мамлакатнинг миллий давлатчилик анъаналари ва ривожланган давлатлар тажрибаси асосида шакллантирилган ижроия ҳокимияти тизими тадқиқ этилган. Мустақиллик йилларида янги ташкил этилган вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар ва бошқа марказий идоралар фаолияти ҳақидаги маълумотлар ўрганилган.

Диссертацияда мамлакатдаги ижроия ҳокимиятини шакллантириш ва такомиллаштириш ислохотлари таҳлил этилиб, собиқ иттифоқ давридан қолган маъмурий-буйруқбозлик асосидаги бошқарув усуллари, авторитар бошқарув шакллари, яккабошчилик асосида бошқариш анъаналари ижроия ҳокимиятини модернизациялаш йўлидаги тўсиқлар сифатида намоён бўла бошлаганлиги кўрсатиб берилган. Ижроия ҳокимият тизимидаги раҳбар кадрларнинг тажрибалари собиқ иттифоқ даврида шаклланганлиги, ижроия бошқарув тизимида номарказлаштириш ислохотлари амалга оширилмагани, кадрлар ва фуқаролар сиёсий маданиятида ҳали демократик кадриятларнинг етишмаслиги, эски ва собиқ жамиятдан қолган ижтимоий иллатлар, коррупция, боқимандалик, юқорига тобелик руҳияти, жамият ўтиш даврини бошидан кечираётганлиги каби омиллар бу соҳадаги ислохотларни ниҳоясига етмаганлигига сабаб бўлганлиги очиб берилган.

Ўзбекистонда 2010 йил 12 ноябрда парламент томонидан қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида давлат бошқаруви тизимини номарказлаштиришга имкон беришга қаратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилди:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади; Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми, тегишинча, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун

таклиф этилади»⁵. Бу ҳолат бошқарув тизимидаги мансабдор шахсларнинг халқ вакиллик органлари олдидаги масъулиятини оширишга, шубҳасиз, хизмат қилади.

Ўзбекистонда давлат ижроия бошқарув ҳокимиятини номарказлаштириш учун шарт-шароитлар яратишга доир ислохотларда фуқаролик жамияти институтлари – ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолиятини такомиллаштириш ва улар фаолиятини самарасини оширишга ҳам муҳим эътибор берилди. 1999 йил 14 апрелда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 2013 йил 22 апрелда у янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонунга биноан ўзини ўзи бошқариш органларини икки босқичда: олдин янги қишлоқ, шаҳарча ва овулларда, шунингдек, шаҳардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари сифатида ташкил этилди. Ўзини ўзи бошқариш ҳар қандай демократик тузумнинг асосини ташкил этади, халқ билан давлат ўртасидаги бошқарув механизминини боғлаб туради.

Мазкур ишда ривожланган ва ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда давлат хизмати билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар самарадорлигини кескин равишда оширмасдан туриб фуқаролик жамиятига хос бўлган бошқарув тизимини шакллантириш мураккаб масала эканлигига эътибор қаратилиб, бошқарув тизимига мижозлар билан ўзаро муносабатлар жараёнига CRM (Customer Relationship Management) ва электрон ҳукумат технологиялари жорий қилина бошланганлиги ёритиб берилган.

Электрон ҳукумат – мамлакат миқёсида бошқарув жараёнларини мажмуавий равишда автоматлаштиришга асосланган давлат бошқаруви тизими бўлиб, у ҳар бир фуқаро учун ижтимоий коммуникация сарфини камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон давлати бошқарувда АКТни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш мақсадида мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратишга муҳим аҳамият бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлда «Ахборот-коммуникацион технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-117-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида «2010 йилгача маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш дастури» ҳам тасдиқланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181–сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2007 йил 17 декабрдаги 259-сонли «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2012 йил 30 декабрдаги 378-сонли «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда

⁵Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси—Т.: Ўзбекистон, 2016. -Б.52-54.

интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши натижасида мамлакатда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини анча яхшиланганлиги диссертацияда таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси»да «Электрон ҳукумат»нинг давлат ҳокимияти органларини модернизациялашда муҳим аҳамият касб этиши, давлат хизмати кўрсатишни самарали амалга оширишга шарт-шароитлар яратишини инobatга олиб қуйидаги вазифалар белгиланди: «Маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, бошқарув жараёнини автоматлаштириш, ҳудудлар ва бутун мамлакатда юзага келаётган таҳдид ва муаммоларга ўз вақтида ҳамда муносиб таъсир кўрсатиш учун ахборот алмашишнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида «Электрон ҳукумат» тизими ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш»⁶. Бу вазифаларнинг амалга ошиши фуқароларнинг ортиқча сарф-харажатларсиз сифатли давлат хизматидан фойдаланишларини таъминлайди.

Диссертацияда давлат интерактив хизматлари ягона портали жисмоний ва юридик шахслар учун ягона дарча хизматларини тақдим қилувчи портал сифатида «фронт офис» (front office) функцияларини бажариши ҳақида фикр юритилиб, бу портал орқали «one click» тарзда хизматларни тақдим қилиш учун вазирлик ва идораларнинг «бэк офис» (back office) функцияларини бажарувчи тизимлари ёки идоралараро тизимлар мукамал даражада бўлиши кераклиги, бошқарув фаолиятда корпоратив ахборот тизими, қарорларни электрон тарзда қабул қилиш тизими ва шу каби бошқа тизимларни жорий қилиш зарурлиги таъкидланган.

«Бугунги кунда давлат интерактив хизматлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Мамлакатда интерактив давлат хизматларини ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар натижасида солиқ (soliq.uz) ва статистик ҳисоботлар (stat.uz)ни электрон шаклда топшираётган тадбиркорлик субъектлари улуши 100 фоизга етган»⁷.

Диссертациянинг **«Ҳаракатлар стратегияси – ижроия ҳокимияти тизимини тубдан номарказлаштиришнинг концептуал асоси»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон 2016 йилнинг сўнгги чорагидан бошлаб янги ва туб ривожланиш босқичига кирганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг давлат ҳокимияти бошқарув органлари табиати, моҳияти ва мазмунини тубдан ўзгартиришга қаратилган

